АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ!

Барчангизни
ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ АСР
билан қизғин муборакбод этамиз!

Юртбошимиз яратиб бераётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшиш даври келди

Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишларингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп.
XXI аср барчасини амалга оширишга имкониятлар асри бўлсин!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ


Ta'lim va islohot

# «ЯНГИ АСР БИЛИМЛАР АСРИ БЎЛАДИ»

**Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб баркамол авлодни тарбиялаш ва уни вояга етказиш асосий мақсадга айланди.**

**Бухоро Давлат университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Ҳамро РАҲМОНОВ билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди:**

— АЙНИ кунда университетда 9 та факультет, 1 та ўқув маркази мавжуд бўлиб, 24 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Ушбу даргоҳ университет мақомини олгач, унинг негизида иккита янги, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги факультети ташкил этилди. Университетда иқтисодиёт, агрономлик, агромуҳандис, агрокимё ва агротупроқшунослик, социология, экология ва табиатдан фойдаланиш, халқ амалий безак санъати, амалий математика каби янги бакалаврлар ва 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб олти йўналиш бўйича магистратура мутахассисликлари очилди.

**— Университетда таҳсил олаётган талабаларга ўқиш ва изланишлари учун қандай имкониятлар яратилган?**

— Университетда 161 нафар иқтидорли талабаларнинг ҳар бирига мутахассис ўқитувчи раҳбарлигида, махсус дастур асосида қўшимча дарслар ташкил этилган. Улар махсус тест синовлари асосида сараланиб, хорижий тиллар, информатика, математика, маънавият ва маърифат фанларидан тузилган дастурлар асосида "Умид" жамғармаси танловига тайёрланадилар.

Ҳозирда университетимизнинг 9 нафар талабаси "Умид" жамғармасининг ва яна 24 та талабаси эса бошқа жамғармалар танловининг грант ғолиби бўлиб, хорижда таҳсил олишмоқда.

Замон талаби асосида китобхонларга хизмат кўрсатишда янги технология усуллари шакллантирилди, иш жараёнларини жонлантириш учун кутубхонага ҳам компьютер ўрнатдик. Университет электрон почта ҳамда халқаро "Интернет" тармоғидан фойдаланиш имкониятларига эга.

**— Билишимча, Бухоро Давлат университети бир қатор хорижий мамлакатлар билан ўқув, услубий ҳамкорлик ишларини йўлга қўйган экан...**

— Университетнинг иқтисодиёт факультети ёш олимлари томонидан қўлга киритилган "ТЕМПУС" дастури гранти ёрдамида Европанинг учта (Франциянинг "Гренболь", Италиянинг "Тренто" ва Буюк Британиянинг "Лимерк" университетлари) билан уч йилга мўлжалланган ўқув, услубий ҳамкорлик асосида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, талабалар айрибошлаш каби ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари яна 17 хорижий давлатнинг олий ўқув юртлари билан шартнома асосида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган.

Бугунги кунда университет қошида битта академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Иккинчи академик лицей очилиш арафасида турибди. Иқтидорли талабалар лицейи, гимназияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбек филологияси факультети профессори Х.Неъматов ва А.Қодиров раҳбарлигида Халқ таълими вазирлиги буюртмасига биноан ўрта умумтаълим мактаблари учун ўзбек тили фани дастурлари яратилди ва бу асосда дарслик ёзилди.

Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрланяпти. Психология фанлари доктори Ш.Баратовнинг "Умумий психология", профессор Т.Оқмуродов ва М.Маҳмудовларнинг "Диншунослик асослари", профессор С.Саидовнинг "Немис тили грамматикаси", доцент М.Бозоровнинг "Немис тили" дарсликлари танловга топширилди.

**— Ёшларимиз онгига маънавиятимиз, миллий мафкурамиз ғояларини сингдириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Бу борада "Камолот" жамғармаси, талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги "Оташюраклар" клуби ташаббуси ва университет маъмурияти ҳамкорлигида бир қатор тадбирлар ўтказиляпти. "Оташюраклар"дан ташқари, "Фидойилар", "Садоқат" клублари ташкил қилинди. Клуб аъзолари ўзаро мунозаралар, тадбирлар ўтказиб турадилар. Уларнинг "Огоҳликка даъват", "XXI асрга наркотик моддаларсиз" каби чиқишлари нафақат университет жамоасини, балки бутун жамоатчиликни огоҳликка, сергакликка, синчковликка чақиради. Талабалар уйи ҳаёти яхшиланди. Талабаларимиз бўш вақтларида спорт билан шуғулланиш ҳамда талабалар уйида ташкил этилган ўқув залида тайёрланиш имкониятига эгалар.

Уюшма раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган кичик тадбиркорликлар ортидан келган маблағ талабаларга ва уларга қарашли талабалар уйига сарфланади. Бу талабаларимизни ўз-ўзини бошқаришга ўргатади. Шуниси қувонарлики, уюшма "Театр студияси", "Мусаввирлар устахонаси" ташкил этган бўлиб, унинг режиссёридан тортиб директоргача бўлган вазифани ёшлар ўз зиммаларига олганлар. Ёшларимизнинг ўқиш билан бирга ижодий ишларга фаол қатнашишидан кўриниб турибдики, улар ҳар қандай оқимларга қарши тура оладилар.

**— Янги XXI асрдаги режалар...**

— Энг аввало, ўқув жараёни ҳақида гапирадиган бўлсам, талабалар ва ўқитувчилар орасида бевосита музокарали дарслар жараёнига ўтиш кўзда тутиляпти. Ўзбек тилини, урф-одатларимизни мукаммал билган ҳолда хорижий тиллардан ҳеч бўлмаса биттасида бевосита мулоқот қила оладиган талабаларни тарбиялашга эришиш бизнинг асосий мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

**"Туркистон" мухбири Баҳодир ФАЙЗИЕВ суҳбатлашди**


Азиз ватандошлар!

БАРЧАНГИЗНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ АСР-ЯНГИ МИНГЙИЛЛИК БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ!



Янги аср юртимизга қут-барака, фаровонлик, инсонларга соғлик-омонлик олиб келсин ва энг асосийси, тинчлик-тотувлик, барқарорлик тухфа этсин, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Андижон нефть маҳсулотлари шуъба унитар корхонаси жамоаси

